

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 266 (6. 157)

1986 йил 20 ноябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийи



ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

БРИГАДА МЕТОДИ АСОСИДА

Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида илгори иш усуллари кенг жорий этилмоқда. Корхонада бригада методи ҳам ўзини янада янги топти.

Бу тадбир бундан тўрт йил олдин тажриба тариқасида амалга оширилган эди. Мазкур янгиланган корхона конструкторлари учун ҳам жуда қўл келди. Оз куч сарфлаб топириқни қисқа муддатда адо этиш конструкторлар бригадасининг қатъий шioriга айланиб қолди.

Бунинг конструкторларнинг «Чирчиқсельмаш» заводи мутахассислари билан ҳам-

корлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Заводда янги универсал культиваторлар ишлаб чиқариш цехини комплекс жиҳозлаш лойиҳасини тайёрлашга киришилган эди. Ана шу ижодий жараёнда ҳам бригада методи ўзини тўла ақлади. «Технолог» бирлашмаси конструкторлари мазкур лойиҳани оз куч сарфлаб, қисқа вақт ичида, буюртмачиларга etkazиб бердилар. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгилангандан тўрт ой илгари йўлга қўйиш имконини берди.

Буюртмалар — муддатидан илгари

«Таштекстильмаш» заводи-нинг экспорт бўлими. Бу ерда ер юзидagi бир қатор мамлакатлардан олинатган буюртмалар қандай бажарилаётганига назорат қилиб борилади. Бўлимдаги картада экспорт ишлари яққол акс эттирилган. Тошкент шаҳридан кўпгина мамлакатлар томон тортилган чизиклар корхона машиналарини кўплаб жойларга етиб

бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Яқинда корхона машинасозлари Афғонистон Демократик Республикасининг буюртмасини бажаришди. Дўстлар дийрига «Р-192-5» ростлаш машиналаридан 9 таси жўнатилди. Корея Халқ Демократик Республикасининг адресига эса ўн та «П-76-5» маркали машина жўнатилди. Бангладеш ва Индонезия

Тошкент—жаҳонга



ДУГОНАЛАР

185-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари Фароғат, Саида ва Жамила, Яшнава ва Дилором ҳар сафар ўқишдан қайтаётганда Софья кўчасида қандайдир бир иморат қурилатганига эътибор беришар эди. Сўраб-суриштиришса бу «Ташгортрикоптажбит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-тўқув цехи экан. Улар ўқишнинг тугатиб меҳнат қилиш, оила буюджелига баҳолангудрат ўз ҳиссаларини қўйиш ниятида эдилар. Тўқувчилик айна қизларбоб касб. Дугоналар аҳдидан бир ерга қўйишди — мактабдан сўнг шу цехга ишга киришди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Дугоналарни янги цехда самимий кутиб олишди. Уларга тажрибали тўқувчилар устоз этиб тайинланди. Фароғат Иноятова ўз касбининг устаси Раъно Жумашова мураббийлик қила бошлади.

Ана шу воқеага ҳам мана саккиз йил бўлибди. Тўқув цехида ҳозир ана шу беш дугонанинг уч нафари — Фароғат Иноятова, Саида Эшмухамедова, Жамила Шокировалар меҳнат қилишяпти. Улар ҳозир шу цехнинг энг илгори ишчилари ҳисобланади. Айниқса, Фароғат Иноятовани ҳаммаша ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишади. У ҳалол меҳнати, барча топириқ-

ларини сидқидилдан бажариши туфайли коллектив ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам комсомол қизини коллектив шаҳар Советига депутат қилиб кўрсатди.

Дугоналар ярим автомат дастгоҳларда ўткир трикотаж буюмларини тўқишади. Жакет, жилет, хотин-қизларнинг кўйлаклари, костюм-юбкалар, полуввер, болаларнинг костюмлари шулар жумласидан. Планининг бажарилиши реализация ҳажмига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам тўқувчилар маҳсулот сифатига, унинг харидоригр бўлишига алоҳида эътибор берадилар. Яқинда цех ремонт қилинди. Лекин ремонт ишлари тўла ниҳоясига етгани йўқ — салон-витрина ҳали тайёр эмас. Ремонт ишлари тугаланиб, витринадан мазкур цехда тўқилаётган энг кўркам буюмлар ўрин олса эҳтимол буюртмачилар ҳам кўпарди. Ф. Иноятова ана шундай буюртма буюмларини тўқийди. Микроларнинг миннатдорчилигини у ўз меҳнатида берилган энг юксак баҳо деб ҳисоблайди.

СУРАТДА: Ф. Иноятова.

Т. Каримов фотоси.

АВТОМАТ ЁРДАМИДА

Пойтахтдаги «Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасида керуш типидagi таъкимилланган «Ниагара» қурилмаси ишга туширилди. Бу электрон қурилмада поёфзал санати учун автоматик усулда полиуретан пошналар қўйилади. Унинг қуввати йилга 750 минг жуфт юкори сифатли буюм ишлаб чиқаришдан иборат. Бу маҳсулот кооперация бўйича республикадаги, Болтиқбўйи, Закавказье, Сибирь корхоналарига юборилади.

Корхонада бундай узлуksиз ишлайдиган агрегатлардан ке-

йинги йилларда учтаси ишга туширилади. Бу корхонани техник қайта қурулантириш планига биноан амалга оширилди. Шу беш йилликда ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техникани янгилашга икки миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфлаш мўлжалланган. Бу маблағларнинг анчагина қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳисобидан сарфланади. Келаси йил январь ойидан бирлашма янги иқтисодий режимда — тўла хўжалик ҳисобида ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш режимиде ишлай бошлайди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ УЧУН

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилаётган буюмлар тури ортди. Олдинлари машиналар учун кўплаб узеллар мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан кооперация йў-

ли билан олинарди. Буюмлар орасида таянч-бурилиш қўрилмаси ҳам бўлиб, ундан янги қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

(ЎзТАГ).

«МЕТЕОР» — СПОРТРОЛЛЕР

Тошкент агрегат заводи конструкторларининг янги маҳсулотини кичиктоиларга аталган. Инженерлар «Метеор» деб аталган спорт-роллер яратдилар. Ҳозир бу буюмин ишлаб чиқариш технологиясини синовдан ўтмоқда. Келгуси йилнинг январь ойида машинасозлар савдо тармоғига ана шу маҳсулотдан 10 минг донга жўнатадилар. Ҳозир корхонада жами халқ истеъмоли товарларининг 10 тури тайёрланмоқда. Бугуннинг ҳаммаси харидоригр бўлиб қолди.

«ВАЗ» ЛИКЛАРДАН НАМУНА ОЛИБ

Маълумки, автотранспорт ҳайдовчиларининг меҳнати оғир. Шаҳар пассажир автобуслари ҳайдовчиларининг иши янада мураккаб. Бундай шaroитда жисмоний тарбия ва суз процедуралари чарқочин чиқариб, кишини бардам қилади. Эндиликда шаҳар 4-автobус паркида бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда яқинда физкультура ва соғломлаштириш комплекси ишга туширилди. Махсус ускуналар, спорт майдончалари ва бинолар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Бу ерда жисмоний тарбия билан шуғулланиш, оммавий мусобақалар ўтказиш, спорт маҳоратини ошириш мумкин.

Бу ерда волейбол ва баскетбол ўйнаш учун майдонлар, теннис ўйнаш учун майдончалар ва боксчиларнинг қурилди. Унинг ёнида фийн ҳаммоми ва чўмилиш бассейни бор. Гардеробхона, душхона реконструкция қилинди.

Бу тадбирларнинг ҳаммасини автомобилчилар «ВАЗ» ликлардан намуна олиб, ўз кучлари билан, хўжалик усулида, ҳашар йўли билан амалга оширишди.

М. АБЕРИН.

МУНОСИБ ТЎЁНА

Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикаси келгуси йил учун яхши тўёна ҳозирламоқда. Тўёна ажаб-товур: келин-куёвларга гулдор сузаналар, миллий кашта тикилган дастурхонлар, ёстиқ жилдлар, чойшаблар тортиқ қилинади. Йил бошидан бери фабрика чеварлари планда кўзда тутилган анча ортиқ — қариб 40 та янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

(ЎзТАГ).

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

«Маллика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси 3-тикувчилик бичувчилик ишлаб чиқариш коллективини планга қўшимча 650 минг сўмлик буюм тайёрлади. Булар трикотаждан тайёрланган, харидорлар ўртасида эҳтиёж юкори бўлган трикотаж буюмлар, болаларнинг майкалари, футболчалари ва бошқа буюмлардир.

Ишлаб чиқариш потондан кўнига 24 минг буюм туши-

рилишга эришиб, лойиҳа қувватига чиқди. Реконструкциянинг биринчи навбатда кўзда тутилган лойиҳа қувватига эришилди. Натижада савдо ташкилотлари тузилган шартномаларга мувофиқ бу йил 4.240 минг устун трикотаж буюмлари олинди. Бироқ ишлаб чиқариш тикувчилари шу йилнинг ўзида технологияни такомиллаштириш, меҳнати интенсификация туюқайли, янги техника асосида 6 миллионга етказиб буюм тайёрлашади.

М. САВЕЛЬЕВ.

Тонгги газеталарда

● Кеча ўн биринчи қаҳирик СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугатди.

Сессия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг янги уфқларини белгиллади. СССР Халқ контролли комитетининг фаолияти тўғрисидаги қарорни ҳамда Якка тартибдаги

меҳнат фаолияти ҳақидаги СССР Қонунини қабул қилди.

Сессия «Жаҳон парламенти»га ва халқларига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Мурожаатномасини қабул қилди.

(Мазкур Мурожаатнома ҳамда сессия қабул қилган қарор ва қонунлар бугун тонгги газеталарда эълон қилинган).

КЎМАҚДОШЛАР

Сергели авиакорхонаси алоҳида узелининг энг кенс телеграфичи Любова Тимофеевна Налимова ўзининг биринчи пенсияси — 107 сўмини Чернобыль АЭСи авариясида жабрланганларга жўнатди. У авиакорхонанинг бошқа ўнлаб ходимлари каби

украиналик дўстларига ёрдам қўрсатишга муҳим ҳисса қўшди. Б. Тютлин, А. Плюшчин, А. Николаев, С. Карпов, Ч. Харченко ва В. Миченколардан иборат сoставадаги МИ-8 вертолети экипажи яқинда Чернобылдан қайтиб келди. Улар тўр-

тинчи энергоблокта Саркофаг қурилишида иштирок этишди. Дозиметрик ўлчовлар ўтказилди. Улар фидокорона меҳнатлари учун фахрий ёрлиқлар ва қимматли совғалар билан тақдирланди.

(ЎзТАГ).



ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

ҲАШАРЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Мухбирларимиз Т. Тошев, Т. Каримов ва Р. Нўматовлар оталиқдаги областлардан хабар қиладилар:

Сирдарё областининг Илйич районидagi Узоқов совхозига кириб борганимизда бизни Тошкентдаги Ҳамза номили музика билим юрти жойлашган «Баракка» таъкимилланган эди. Иш вақти тугагач, ҳамма ҳашарчилар пахтазордан қайтаётган эди. Кўп ўтмай 3-рта Осиё педиярия институтини орадиатори Азиза Мамедова ўз ҳамшираси билан студентларнинг саломатлигини кўздан кечириб бошлади. Бир гурупа студентлар эса ошватдан сўнг телевизор олдига ўтирдилар. Музика билим юрти бадий ҳаваскорлари ҳам ўз концерт программасини бошлаб юборди. Шу лойиҳа кўча кино ҳам ҳашарчилар ихтиёрига нелиб қолди. Студентлар семини ҳинд фильмининг илгирчи томоша қилдилар.

«ОҚ ОЛТИН» — БАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 19 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида). Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	0,04	105,01
ТОШКЕНТ	0,05	104,34
СУРХОНДАРЁ	0,23	100,76
НАМАНҒАН	0,15	100,01
Сирдарё	0,20	96,42
ҚАСССР	0,12	91,83
Анджон	0,41	87,14
Хоразм	0,06	85,32
Жиззах	0,12	79,87
Самарқанд	0,04	75,23
Бухоро	0,02	74,57
Навоий	0,03	60,85
Қашқадарё	0,05	59,13

Республика бўйича: 0,12 86,92

Октябрь куйчиси

«Ойбек—Октябрь куйчиси» кўчама кўргазмасида инқилоб мавзуси акс эттирилган. Ўзбекистоннинг ўй-музеий ташкил этган бу кўргазма экспозицияси биринчи бор авиасозларнинг Тошкентдаги маданияти ва техника саройида намойиш қилинди.

Кўргазманинг олти бўлимида ўзбек совет адабиёти классикларининг инқилоб мавзусига оид юздан кўпроқ материал қўрсатилмоқда. Булар орасида фотосуратлар, ҳужжатлар, китоблар, плакатлар ва суратлар бор. Кўргазма аъзуви портрети билан очилади. Бу портретни расмол Н. Нам эскизлари бўйича Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикасининг чеварлари яратилган. Ўзбекистоннинг синдий кураш, Туркистондаги инқилоб воқеалари акс этган «Кутлуг қон» ва «Болалик» асарларининг турли тилларда

чиққан намуналари кўргазмадан асосий жой олган.

Экспозиция очилган кунда адабий кеча бўлди. Унда адабиётшунослар, Ойбек ижодининг таъкимотчилари, шoirтаржимонлар сўзга чиқдилар. Кинематографчилардан СССР халқ артисти Шухрат Аббосов ва ёш режиссер Фирдавс Зайнуддинов йиғилганларга Ойбекнинг «Болалик» повести асосида суратга олинган «Орзулар оғушида» фильми қандай яратилгани ҳақида сўзлаб бердилар. Ана шу картинадан парчалар кўрсатилди.

Кўчама кўргазма Улуғ Октябрьнинг 70 йиллигига бағишланган. Кўргазма республиканинг сановат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, уқув юртияларида намойиш этилади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА.

ЎзТАГ мухбири.

Хоккей

МАҒЛУБИЯТ ВА ҒАЛАБА

Шайбели хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида иштирок этаётган «Бинокор» командаси навбатдаги икки учрашувни ўз майдониде Пермь шаҳрининг «Молот» коллективи билан ўтказди. Турнир жадалида ёнма-ён борайтган бу командаларнинг баҳси ниҳоятда кескин ва мурасасиз кураш остида ўтди. Биринчи учрашувда ҳужум-

корликка зўр берган «Молот» командасининг хоккейчилари 5:3 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Тақририй учрашувда майдон эгалари бой берилган имкониятнинг ўрнини тўлдиршга ҳаракат қилдилар. Тезкорлик билан уюштирилган шиддатли ҳужумлар туфайли команда мақсадида эришди — 4:2. «Бинокор» кейинги олти учрашувини сафарда ўтказди.

ЧИТАЙКИНА ПЕШҚАДАМ

турнирда якка пешқадамлик қилмоқда.

Иккинчи турда Елена Мартянова Татьяна Терехина энгди. Людмила Петрова эса Людмила Макушевская имкониятини бой берди. Бошқа учрашувлар дуранд натижа билан аяқланди. Бир ярим очко тўплаган Зинаида Белкина иккинчи ўринда бормоқда.

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

ХЕЛЬСИНКИ. СССРнинг Финляндиядаги элчихонасида КПСС Марказий Комитети бош секретари М. С. Горбачевнинг бу ерда нашр этилган нутқлар ва мақолалар тўпламини фин жамоатчилигига тақдим этиш маросими бўлди.

«Ўзгаришлар даври» деб аталган тўпламининг «Вейлин ва Гес» нашриёти фин тилида босмадан чиқарди. Китобга М. С. Горбачев финляндиялик китобхонларга ёзган сўзбоши илова қилинган.

ГАВАНА. Парабундо Марти номидagi миллий озодлик fronti ватанпарварлари Сальвадордаги Дуарте американапараст режимни армиясига қарши бир неча марта муваффақиятли жанговар операцияларни ўтказдилар. Сальвадор партиячиларининг «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишича, миллий озодлик fronti жангчилари сўнгги икки ҳафта мобайнида гина душманнинг 60 га яқин

солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, анчагина ҳарбий техника, қурол-яроғ ва ўқдорнинг ўлжа қилиб олдилар.

МАНАҒУА. Аксиланқилобчиларга ҳарбий молиявий ёрдамни кенгайтираётган Рейган маъмурияти Никарагуага қарши эълон қилинмаган урушнинг кучайтирмоқда, деди бу ерда Сандинчилар Миллий озодлик fronti миллий раҳбарлиги ижроия комитетининг аъзоси, республика му-

дофаа министри Умберто Ортега. Вашингтон маблағ билан таъминлаётган. Бу йўналириб турган каллакесарлар ақин орада Никарагуадаги бир қанча ҳарбий объектлар, жумладан республика қуроли кучлари самолётлари ва вертолётлари турадиган пунктларга зарба уришга шайланмоқдалар. Аксиланқилобчилар АКШнинг стратегик ниятларини амалга оширишга беҳуда уринмоқдалар — уларнинг ҳарбий таъаббусини қўлга олиш учун қилаётган барча уринишлари зое кетмоқда.

МЕХИКО. Марказий Америкада Вашингтоннинг айби билан руй берган вазиятнинг ҳавфли эканлигини Мексика ташқи ишлар министри Виктор Флорес Олеа таъкидлаш ўтди. «Эксельсиор» газетаси мухбири билан сўхбатда у Никарагуага қарши қўрурувчилик хатти-ҳаракатларининг давом эттирилиши. Марказий Америкадаги можаронинг кенгайиб кетишига олиб келиши мумкин, деди. Региондаги давлатларнинг ички ишларига арамлашмаслик принципини қатъий риоя қилинишига эришиш зарур, деб уқтирди министр.

КОБУЛ. Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятидаги Куррам райони-га қарашли аҳоли яшайдиган энг катта пунктлардан бири—Тхал шаҳрида ҳаёт издан чиқди.

Куррамда яшайдиган пуштун қабилаларининг жангчилари афғон аксиланқилобчилари тушган автобуга ҳужум қилиб, 20 чоғли каллакесарни ўлдирдилар. Пуштунлар Терм-мангал райониде душманларга қарши яна бир муваффақиятли операция ўтказдилар.



ин қўшишга ҳаракат қиляпти. Ана шунга қаратилган қатъиятди иш натижасида бу йил браква йўз қўйишлар нисбатан кам бўлганди. Аммо ҳали буга ҳўла барҳам берилган дега бўлмайдди. Юқоридида айтилгансимдек, ҳали биз ҳамма ишчиларнинг оғлини қайта қўриш роисини уқур сиғдиришга эриша олганимизга йўз. Шунинг учун бу борада партия гуруписи жамоатчилик асосидида ишчилар, инжнер-техиски ходимлар ва кизмалардан шборат сифат гуруписларни ташкил этишга эртибориш қарариди. Бу гурупислар сифатини яхшишлаш, резервларини тақдир этишга. Кўпгина киммалар тақдирлар бериляпти. Техноложия жараёнларини тақдирлаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш оқилона тақдир этиш, меҳнат иттизомини мустаҳкамлаш партия гуруписининг ҳаминди қиққат-марказида турган масалалариди.

Индонезиялик Сейфуд
Сахри Ява оролидан 500
километр масофани орқа-
лача юришда босиб ўтди.
У шухрат қозониб мақ-
садида бу галати мара-
фони ижроси бўлди.
Сахрининг журналистлар-
га айтишича, эндиликда
ҳаттадагидек юрш унга
болгани бўлмоқда экан.
Болгариянинг «Труд» га-
зетаси шу ҳақда хабар
берди.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси «Билет олмасдан, транспорт чиқаверинг!» сарлавхали мақола муносабати билан юзлаб хатлар, оғзаки мулоҳазалар тўплади. Газетонларнинг мактубларини, фикрларини мақола муаллифи, Ўзбекистон ахборот агентлиги ходими Е. Ефимов шарҳлайди:

Муаллиф кўшимча муаллифликдан ҳақиқат ҳам хурсанд бўлавермайдими. Хатларни ўқирканман, мен билан фикрдошлар кўпчилигидан қувондим. Мана, эътибор беринг: «Кўпдан буён шу ҳақда ўйлардим», «Бир неча йилдан бери худди шу хусусда бош қотирардим», «1979 йилдаёқ таклиф этгандим...» — қаламимга мансуб «Билет олмасдан, транспорт чиқаверинг!» деб номланган мақола муносабати билан юзлаб хатларнинг аксарияти шундай бошланди. Нима ҳам дердик: газета материаллари ўртага қўйилган муаммо журналистига эмас, Р. Хусанов, В. Власов, Г. Гасперов, Н. Плетинов, Ю. Какаев сизгиларга газетонларга, транспорт хизмати сифати ҳақида гап-гўшга қўйилган бошқа тошкентликларга тегишли экан, бундан факат манқун бўлиш мумкин. Фақат шунга афсусланиш лозим: бу воқеа юзорида кўпчилик келтирилган ва бошқа ўртоқлар шаҳар ташкилотлари, газеталарнинг редакциялари, жумладан марказий матбуотга мурожаат этган пайтларида рўй бермади. Мен таклифларнинг муҳимлигини тасдиқловчи баъзи жавобларни ҳам кўздан кечиридим, масалалар билан ҳал этиш ҳақидаги ваздалар билан ҳам танишдим... Тагин тасвурим, булар илғирроқ, содир бўлмади.

Хали ҳам кеч эмас. Мулоҳазаларга, масалаларга, талабларга алоҳида эътибор қўйсатиладиган, этилган муаммоларни ҳал этишга янгиқа ёндашладиган пайт келди. Бинобарин, ҳамма гап масала ким томонидан қўйрилганда эмас. Энг муҳим шунки, муаммо ўртага қўйилди ва кенг муҳокама босиб бўлди.

Берилган баҳолар турли-туман: катъий эътироздан бошлаб тўла-тўкис маъқуллашгача — янги система ни дарҳол қўлланиш истагига. Ҳаммага раҳмат! Маъқуллашларга ҳам, қарши чиққанларга ҳам. Чунки ҳар хил нуқтаи назарлар тўқнашувини биз бошлаган ишни кўп томонлама муҳокама этиш имконини беради. Яна шунинг учун ташаккурки, муҳокама микдосини кенглиши муаммонинг муҳимлигидан, ҳозирги кунимиз билан узвий боғлиқлигидан, шаҳар ҳаёти кўпгина қирраларига уйғунлигидан, иқтисодий маънавий-ахлоқий қиммати ошганлигидан далолатдир. Газетонларни ишонтирмоқчиман: барча фикрлар, масалалар ўрганилади ва инбатга олинадилар. Шу билан бирга олдиндан кечирим сўрамоқчиман — ҳар бир хат мазмунини баён этиш имкониятига эга бўлсин, биргина исми фамилиялар. «Биз» ўзи газетанинг бутун бир сифатини эгаллайди. Энг муҳимларини шарҳлашга ҳаракат қиламан.

«Биз» ойланиш ҳақидадан транспорт хизмати учун 3 сўмдан ушлаб қолиш сингари қанда билан келиша оламиз, деб айтишда авиация заводи шахарчасида яшовчилардан бир гуруҳи. Ҳаммаимиз шу ерда истиқомат қиламиз ва ишлаймиз. Шаҳарга келадан-кел — шаба ва яқинда кунлари чиқамиз, демак транспортдан деярли фойдаланмаймиз».

Ана шу шахарчада турувчилардан яна бир гуруҳи аэди: «Бизлар ессон завод билан ёнма-ён яшаймиз, ишга пивда бориб келамиз». «Сред-азкабел» заводи шахарчаси, «Таш-селимаш» яқиндаги микрорайон, трактор ва асбобсозлик заводлари атрофида истиқомат қилувчилар ҳам «ишона, мактаб, кинотеатр, магистин, стадион ёнма-ён» эканлигини таъкидлашди.

Бошқа мазмундаги фикрларлар ҳам бор. Менинг «Кайси биримиз бир кунда ў.ёк.бу ёққа икки марта бориб келмаймиз» деган сўзларимга П. Черних жавоб кайтарди: «Мен ва ошона яқинда турадиганларнинг аксарияти нафракат бир кунда, ҳатто ойнаб икки марта ў.ёк.бу ёққа бормайди». Урток Ленченко (исминини аз.мабди) бундай таъкидлайди: «Одамнинг ишонисини ёнгинида бўлса, у ерда бориш учун транспортга чиқмаса ундан 3 сўм ушлаб қолишининг нима ҳолати бора? Шикинлар ойнаб қўрсатган сабаб: «Биз ўз уйимиз яқинида ишлаймиз, ўқиймиз, боғчага бораемиз, бозор ҳам ёнгинида, шу сабабли шаҳар транспортидан қандам ҳам фойдаланамиз, бунинг устига ўз транспортимиз — мотоциклимиз бора». Ишлаш ва ўқиш жойимиз яқинида, бундан ташкари ўз машинагага эгаемиз. 3 сўм тўлаш зарур келтимай» деб сўрайди Мамедовлар ойнаси.

Бунақа хатлар оз эмас, уларни ҳисобга олмасин иснофдан бўлмас. Аммо бошқа томондаги мактубларни ўқисак газетонларнинг ўзлари газетонларга жавоб кайтиришганди кўзга ташланади.

«Мақоладан ва унга жавобан шахарчимизда яшовчилар томонидан ёзилган деслабик хатларни ўқидим. Айрим ўртоқлар (Тошкент трактор заводи бош энергетика бўлими ходимлари) шахарга қатнашмайди деб айтишди. Бунга ишоним йўқ. Микрорайонда яшай туриб шахарнинг бошқа районларига бормаслик мумкин эмас — бу фикр биринчи гуруҳа инваляди Г. Федорова тегишли. Мана бу эса ўртоқ Симахоновнинг лўқмиси — мақолага келган мактублар хусусида: «Факат метродан фойдаланамиз, ўз микрорайонимиздан нари жимламиз ёки жомоат транспортини фойдаланамиз, негани

3 сўм ажратишлари мумкин. Чунки ўз фарзандлари, меҳмонлари, қари, қартавлар учун, албатта. Бир кунмас бир кун улар ҳам пенсионер бўлишди-ку!».

«Ишламайдиган пенсионерлар транспортда бепул юришса розимиз, ахир улар шунга яраша хизмат қилишган», деб айтишди электр техника заводининг бир гуруҳи ишчилари.

Хўш, студентлар, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари, мактаб ўқувчилари-чи? Бу тоифа вакилларида бирови ҳам бепул юриш истагини билдирмаган, уларнинг ҳаммаси талон ёки билетни бирмунча арзонроқ сотиб олишга рози. Газетон Х. Шоимқуллов «Студентдан 1,5 сўм олиш кўпроқ ҳисобланади. 50 тийиндан олинганини таклиф қиламан», дея фикрлайди.

Уй бекалари-чи? «Биз кунин буйи ишлаймиз, базан шароитимиз ниҳоятда оғир. Уй бекалари (бозорда ўтирадиганлар) чўнтаклари пулга тўлиб кетган бўлса-да бизнинг ҳисобимизга транспортда юришадимиз» (авиация ишлаб чиқариш бirlашмаси бир гуруҳ ишчи аёллари). Кўриниб турибдики, бу ўринда «уй бекаси» сўзлари кесатик маъносиде ишлатилган, чунки бунда гап оиладаги қийин ва мураккаб ишлар билан

ғи шароитида даромадларни ҳисобга олишни таклиф этишди. Балки турли усулларда давлат нафақаси оладиганларни бедалдан озод этиш керакдир... Меҳнат коллективларига иқтисодий аҳоли қийнроқ ўртоқларни транспортга ҳақ тўлашдан халос қилиш ҳуқуқи берилган маъна қулдир. Уларнинг ҳиссисини базан ҳолларда қорхона ёки касба союз фондида тўлаш керакдир, балки умуман ана шу бадалдан воз кечса бўлар...

Хатлардан чиқадиған умумий ҳулоса бита: Тошкент транспорти ишдан ҳамма рози эмас. Таклиф этилган усулга қарши овоз берганлар пассажир ташинишиг ҳозирги системасини яхшилашни талаб қилишди. «Шаҳар транспорти ишнини дуруст изга солиш мақсадида «транспорт солиғидан бошқа усулларини ўйлаб топиш зорур (А. Троицкий). В. Зайцевнинг биринчилик қаторида юборган мактуби, унинг фикрлари диққатга сазовор. Муаллиф шаҳар транспорти ёмон ишлайётганлигининг конкрет сабабларини қўрсатади, бу муаммо партия ва совет органлариде муҳокама этилганини, лекин қабул қилинган қарорлар ёмон баҳориланганлигини, транспорт хизматиға маъсул ўртоқлар вазьдабозлиқдан нариға ўтшимайётганини таъкидлайди. Бунинг устиға транспорт воситалари анча

давлатимиз граждaнлар манфаати йўлида қўрилатган зарарини гардонига олишға ҳақиқат таъйр.

Билишимча, қандай қилинса ҳам асосий оғирлик давлатнинг зиммасига тушади. Пассажирлар ташини таъналарини пассивитириш бошқа гап: бу ҳол ишни яхшироқ уюштириш, янги техникани қўлланиш, меҳнат уюмдорлигини ошириш, шубҳасизки биз билан сизнинг интизомлидигимиз эвазига рўй беради. Транспорт учун кимки ҳақ тўлашға мажбур бўлса, марҳамат қилиб тўласин. Виждон деганимиз хизматининг эски усулида ҳам, янгисида ҳам биринчи ўринда туриши керак.

Транспорт ишнини яхшилаш гарантисини борми? Фикримча, бор. Биз иқтисодий рағбат ҳақида гапирдик, маблаглар пировард натижаға қараб ўтказилишини, бунда пассажирларнинг транспорт ташкилотлари ҳисобига ташини ҳақими, сифати, графикаси аниқ қилиниши ҳисобга олинаётганини таъкидладик. Ҳар бир ҳайдовчининг, диспетчерининг, ремонтчининг, хизмат раҳбарининг меҳнатининг ҳам шу принцип асосида ҳақ тўланади. Маънавий рағбатлантиришнинг таъсири ҳам қатта — шаҳар транспорти ҳодимининг нуфузи ошади.

Бу ишда техника ҳам ёрдамға келади. Октябр ойида «Времья» телепрограммисида Горький шахардан берилган қўрсатува эсинида бўлса керак: автобус ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қўрамолини автомашиналининг маршрут буйича қатновини автоматик тарзда ҳисоблайдиган мосламани қўрсатди. Электрон ҳисоблаш машиниси иш устидан назоратини йўлга қўйди, унинг ҳисобга олади ва баҳолайди. Наҳотки конструкторлик бюрolari ва институтлар тўлиб-тошиб ётган Тошкентда бунинг илоҳи бўлмасай Ана шунча усул қўлланилганда ҳар бир рейс рўйхатдан ўтказилганда, графикнинг бузилиши дарҳол аниқланади. Автобусни шахсий эҳтиёж учун маршрутдан чиқариб кетишининг имкони қолмайди. Диспетчерининг, ревизорининг ишнини ҳам бемалол баҳорил мумкин. Шундай экан, деб таклиф этишди «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси ҳодимлари, бундай йўлни мақбул деб ҳисобламоқ керак.

Яна бир таклиф: шаҳар транспортининг ҳамма турларини бирлаштириш, уни ягона қўлга — шаҳар Совети қўлиға топишириш лозим. Бу, биринчида, ўзaro ҳамкорлигини гарантйлайди, қолверса ўзaro боғлиқлигини кучайтиради. Айтайлик, идоравий тўсиқларни йиғиштириб қўйган ҳолда транспортнинг барча турларини — метро, автобус, троллейбус, трамвайни техниканик имкониятларға қараб маневрлаштириш мумкин бўлади, улар бири иккинчисининг ҳолатини чиқаришда, ўрнини тўлдиршида.

Бундан ташқари ягона раҳбар идора йўлларининг ва бошқа коммуникцияларнинг ҳолатини дурустроқ назорат қилади. Ҳу нуфузига суянган ҳолда шаҳар Совети транспортга қурилиш, энергетика, машинасозлик, лойиҳалаш, конструкторлик, таъдиқот ташкилотлари ёрдам қўрсатишларини уюштиради.

Мана бу масалани олиб қарайлик: Е. Смолюкова ўз мактубида жомоат транспорти учун ҳам, идоравий транспорт учун ҳам ҳақ тўлашининг нима ҳолати бора деган саволни ўртоға қўйди. Шаҳар кенгаши қайси қорға ва ўз транспортига муҳтож, қайси бири эса автобусларини шахарға топишириш ва керак бўлган пайтда жомоат транспортдан фойдаланиш ҳақида бюротма бериши мумкинлигини бемалол белгилай олади.

«Йўлаб қарасам — ҳамма мактублар кўздан кечирилган. Лекин мана уларнинг яна бир дастаси. Аксариятда такор, такор. Бироқ янги далиллар, масалалар, эътирозлар ҳам бор.

«Афсуски, хатларнинг ҳаммасидан фойдалана олмадик. Сизган бўлсангиз керак — икки ой фикрлар салбйларига нисбатан уч барабар кўп. Тўғри, арифметик ҳисоб-китоблар берданга ҳулоса чиқариш ҳуқуқини берадмайди. Айрим ўртоқлар масалани меҳнат коллективлариде муҳокама қилишни, кенг омма ҳуқикии ташлашни таклиф этишди. Газетон Х. Пасько бунинг қизиқ усуллари таклиф сифатида киритди. Шубҳасизки, жомоатчилик фикрини ўрганиш давом эттирилади.

Бир нарсга аниқ — конкрет тадбирлар белгиланиши ёки белгиланмаслигидан катъий назар транспорт эскича ишлаши мумкин эмас — тошкентликлар бунга йўл қўйишмайди. Бунинг устига муҳокама жараёнининг ўзи, у оқи-оқидан тарзда, манфаддорлик нуқтии назардан ўтганлигик фойдалиди. Бинобарин, биз ҳаммаимиз демократик ёндашув ҳиссини туйдиқ, ўзимизга яраша озим-қўлми сабоқ чиқардик.

Хушёрлик—ҳаётимиз тарзи

УМРНИ КАДРЛАНГ

Ҳар бир инсон, у қайси касб-ҳунард ишлашдан катъий назар, ўз мутахассислигига иқлос ва эътиқод қўйди. Ана шу иқлос-эътиқод инсон ҳаётининг турли соҳаларда намоён бўлади ва у инсониятга фойда келтиради, унинг ривожланишига ёрдам беради. Бизнинг барча эҳтиёж ва мақсадларимизни қондириш учун, ўз оғимизнинг доимо ошириш, ортиқарининг рўйбга чиқариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Афсуски, баъзи кишилар борми, ўз саломаатликларини мустаҳкамлашға, иродаларини тарбиялашға, ишчанлигини оширишға эмас, соғлиқларини келтирадиган ичкиликка, наркотикларға ва тамакиға ўрганиб, ширин ҳаётларини захарлашадилар, обрў-хурматларини йўқотадилар.

Ўрта асрларда алхимиклар сувоқ, рангсиз, ҳиди ва таъми аччиқ сувоқлик олишди. Бу сувоқлик «илим хурсанди» қилиш ва «қўзғатиш» ҳоссага эга бўлганлиги учун уни «ҳаёт суви» деб атадилар. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг, уни «Ажал ва қуфлат суви» деб аташди. Ҳақиқатан ҳам алхимиклар «ҳаёт суви»ни олиш, одамларға севинган қўра, кўпроқ гап-ташаниш, оғир муаммолар олиб келди.

Машҳур рус ёзувчиси Л. Н. Толстой вино одамни аравмас ишлар қилишға анча мойил қилади, деб нуда тўғри айтган. Маст одамда ахлоқ, одоб, тарбия бўлмайди. Маст ҳолатда 66,5 процент қотиллик, 68,6 процент аяка ва 57,4 процент ҳодисада қўпчилик бўлиб зўрлаш содир бўлган.

Алкоголни асло дорн сифатида қўлламаслик керак. Бу тўғрида совет фармаколог Н. В. Вершинининг айтган сўзларини ёдда туттиш керак: «Ичкан одамнинг «илим» равшан тортганда бўлади, ҳамма нарсга кўзига гўзал бўлиб қўринади. Аммо бир оздан сўнг кўзига ҳамма нарсга бутунлай ўзгаради, яъни маст одамнинг қуввоқини йўқолиб, ўрниға бутунлай бефариқлик пайдо бўлади.

Ичкиликка ўрганиш дастава галати экинчиларға жомат тарбиясида, кейинчалик эса одамни руҳи қилиш бошланади, одамнинг доимо ичгиси келиб туради ва сурунсига ичкидан бўлиб, натижада оғир касалликка дучор қилади.

Н. ҚОСИМОВ, медицина фанлари кандидати.

МАЙХҲҮРЛИК—ИЛЛАТ

«Вир донишманддан сўрашди: — Ичкиликнинг ёмон иллати нима? — Ақл-хушнинг майға қурбон қилиб, хушхушлини бой бериш — ёмон иллат, телбалик аломутириди.

«Ичкилик кайф-сафосон уммонига шўнғиган одам ёру олам лаззатларидан махрум бўлади.

«Майхушлининг ибтидоиси кайф-сафо, интиҳоси азоб ва ўлимдир.

«Ақл-заковат билан яратилган бехт-саодат қасрини ичкилик селт барбод этади.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ таъйрлаган.

КАДИМГИ ХАТ

Эрамизгача 1900 йилларда Миср папирусиға қўйилган мазмунда хат битилган экан: «Сен иккони йиғиштириб қўйиб, машағта берилиб кетибсан, оқшомлар қишхоналарда бўлармисан. Пиво ича

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

(Тарихий манбалардан).

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

«Ичкиликнинг ўрнини эгаллайди, биласанки вино паст нарсга. Спиртли ичкиликка берилмайман, деб қасам ичгасан. Нима, ёдингдан кўтарилиди!».

ОЛМА ДАРАХТИ ТҶНИ

ЛЕНИНГРАД. Ленинград «Пингвин» бirlашмасида ишлаб чиқарила бошланган янги бўёқ боғларини қишда совуқдан пухта сақлайди. Бу бўёқ мевади дарахтларини совуқдан асрайди, кемиручиларини қўчиди. Шу бўёқ солинган бангалар магазинларға юборилди.

— Янги бўёқ агрофизика институтининг олимлари билан ҳамдустлигида ишлаб чи-

Ажойиботлар оламида

Львов область Золочевский райониди Сновичи қишлоғида бўлиб ўтган новадан тўқилган энг яхши буюмлар конкурсининг қилини айтишда нуфузли жюри мушкул аҳолиға тузиш қолди. Ҳар бир сават ўзига ҳақ гўзал ва ягона этиди. Катта-кичик ёндаги усталар ҳар хил саватлар, нон идишлар, абажурларни томошабиналар ҳуқимига ҳавола этишди.

Қарпат этиклариде тол новдаси кўпдан бери ишлаб чиқарилади. Унда ҳатто қўшқини янгаларда дамбала ҳақ қўйишган. Мо-

АНА ШУНАҚА САВАТ!

Ҳар қўллардан озмунча ҳар хил буюмлар чиқатган қўлға маҳаллий болалар ҳазирда ҳам содда матрешка нивадан сувиб тўқиб юришди.

Қўлға маҳаллий ҳуна-ликлар эски ҳунарамандчи-лиқни тиклашға қарор қил-ди. Бу нарсга мавсумлар ўр-тасида иш билан таъмин-лаш проблемасини ҳал этишға ва ҳар хил маҳсу-лотлар тайёрлашни йўлга қўйишға имкон беради. Чу-

ЭСЛАТМА. Биз Тошкент меҳмони — қашқадарёлик Х. Санднаби-евнинг истагини шарҳламада келтирмадик. У таклиф этилаётган система бутун малакат бўйлаб айқис, деган истакни билдирган. Маълум бўлишча, худди шундай таъриба йирим шахарлардан бештасида қўлланилган экан. Биз Тошкент ўрнатқан биринчи деб ҳисобланар деб ўйлагандик. Нима ҳам қилардик, биринчилик сафиде бўлиш ҳам ёмон эмас, ахир.

«Биз Тошкент меҳмони — қашқадарёлик Х. Санднаби-евнинг истагини шарҳламада келтирмадик. У таклиф этилаётган система бутун малакат бўйлаб айқис, деган истакни билдирган. Маълум бўлишча, худди шундай таъриба йирим шахарлардан бештасида қўлланилган экан. Биз Тошкент ўрнатқан биринчи деб ҳисобланар деб ўйлагандик. Нима ҳам қилардик, биринчилик сафиде бўлиш ҳам ёмон эмас, ахир.

«Биз Тошкент меҳмони — қашқадарёлик Х. Санднаби-евнинг истагини шарҳламада келтирмадик. У таклиф этилаётган система бутун малакат бўйлаб айқис, деган истакни билдирган. Маълум бўлишча, худди шундай таъриба йирим шахарлардан бештасида қўлланилган экан. Биз Тошкент ўрнатқан биринчи деб ҳисобланар деб ўйлагандик. Нима ҳам қилардик, биринчилик сафиде бўлиш ҳам ёмон эмас, ахир.

Жонажон Ватан бўйлаб

Москва. Поитхт трикотажчиларининг ҳозирги шорни мо-дели, чидмалди, арзон буюмларни тайёрлашди. Бутунити-фок трикотаж буюмлари моделлари уни малакат қорхона-лариде ишлаб чиқаришға таъдиқ этиш учун қийим-кечақлар-нинг янги коллекциясини тайёрлади.

Моделлар уйи мутахассислари ишлаб чиққан хотин-қизлар комплектлари, костюмлари, блузонлари ва бошқа буюмлари харидорлар талабини қондирмади.

СУРАТДА: ёшларнинг модала комплектлари. Бу либослар-нинг шаклчаси ҳам шу рангдиги трикотаждан тинилган.

В. Сознов фотоси, ТАСС фотохроникиси.

Футбол. Биринчи лига

Ғалабага мені дуран



Марказий, телевиденининг спорт кўрсатувлари бош редакцияси ходимлари тошкентлик буювчи «Пактакор» — «Даугава», «Керпачи» — «Кубань», «МАСК» — «Динамо» (Ботуми) ўйинларининг натижалари қизиқтирар экан.

Пактакорчиларнинг устозлари азалдан ўйинда қатнашган А. Айвазян ва С. Бауэр ўйинга майдонга И. Иванов ва А. Микелавични туширишди. «Даугава» командасининг шу кунда 17 марта тўп киритган ҳужумчиси Г. Шитин эса икки марта судьялардан оғоҳлантирилган оғоҳлик сабабли ўйинда иштирок эта олмади. Иккала команда учрашувнинг дастлабки минутлариданоқ асосий эътиборни текарорчи қаратди, тўп майдон марказида даяри тўхтамади. Ўйин давомида пешвадомлик қилган ригаликларни фақат галаба қаноатлантирарди. Шу сабабдан ҳужумнинг олдинги чизкиларида доимо 3—4 футболчи пайдо бўла бошлади. Ўйиннинг «Пактакор» бундай ҳужум

диндан маълум бўлмаслиги учун СССР Футбол федерацияси сўнгги тур учрашувларини бир вақтда ўтказишга қарор қилди. Футбол мухлисларини биринчи навбатда «Пактакор» — «Даугава», «Керпачи» — «Кубань», «МАСК» — «Динамо» (Ботуми) ўйинларининг натижалари қизиқтирар экан.

Пактакорчиларнинг устозлари азалдан ўйинда қатнашган А. Айвазян ва С. Бауэр ўйинга майдонга И. Иванов ва А. Микелавични туширишди. «Даугава» командасининг шу кунда 17 марта тўп киритган ҳужумчиси Г. Шитин эса икки марта судьялардан оғоҳлантирилган оғоҳлик сабабли ўйинда иштирок эта олмади. Иккала команда учрашувнинг дастлабки минутлариданоқ асосий эътиборни текарорчи қаратди, тўп майдон марказида даяри тўхтамади. Ўйин давомида пешвадомлик қилган ригаликларни фақат галаба қаноатлантирарди. Шу сабабдан ҳужумнинг олдинги чизкиларида доимо 3—4 футболчи пайдо бўла бошлади. Ўйиннинг «Пактакор» бундай ҳужум

бўлишини сезган ва шунга яраша ҳимоя чораларини кўрган эди. Шунга қарамай қанот ҳимоячиси Ю. Сулаймонов кетма-кет хатоларга йўл қўя бошлади, шу сабабли тренерлар тезда унинг ўрнига В. Кисерани туширишга мажбур бўлишди.

Биринчи тайм ўрталаридан бошлаб майдонда меҳмонларнинг устунлиги сезила бошлади. В. Семенов, Ю. Попковлар «Пактакор» дарвозаси олдида тез-тез пайдо бўла бошлади. Шу дақиқаларда пактакорчилардан дарвозабон Ф. Еқубов, ҳимоячилардан И. Ахмедов ва Н. Нортониевлар ахши ўйин кўрсатишди.

Меҳмонларнинг бетиним ҳужумлари натижасида майдон эгалари сафида қандайдир ўзини сезила бошлади. А. Зейтуллаев ва Э. Гесс тўп қидириб, ҳимоя чизкиларига қараб келишга мажбур бўлишди. Танафус асносида «Пактакор» командасининг раҳбарлари ўйинчиларга бу қамчиликларни кўрсатиб беришган бўлса керак, ҳар ҳолда футболчиларимиз ўйиннинг иккинчи бўли

мида бехато ўйнади. Баъзи дақиқаларда эса меҳмонлар ўйинидаги пала-партишлик уларга панд берди, тепилган тўплар мўлжалга аниқ етиб бормади, дарвозани «мўлжалга олишда ҳам омад «Даугава» футболчиларидан юз ўгирди. Команда дарвозабони А. Кулаков 2 марта зарб билан тепилган тўпни моҳирлик билан қайтара олди. Шундай қилиб, 90 минут давомида ҳосиб очилмади.

1986 йил 30 март, Марказий стадиондаги биринчи ўйин: «Пактакор» Тошкент — «Помир» Душанбе 23000 томошабин. Ҳисоб — 0:0. Мухлислар ва мутахассислар янги мавсумга умид қилишлар, асосий мавсумдаги хатоларга чек қўйишни жуда-жуда хошлар эдилар. «Пактакор» ва «Помир» якуний жадвали ёнма-ён турсалар керак, деб фарз қилишарди.

1986 йил 15 ноябрь, Марказий стадиондаги сўнгги ўйин: «Пактакор» Тошкент — «Помир» Душанбе 23000 томошабин. Ҳисоб — 0:0. Мухлислар ва мутахассислар «Пактакор» биринчи лигада ўрини сақлаб қолганидан хурсанд бўлсаларда, коллективнинг

СССР 49-чемпионатидаги натижаларидан тамомон норози эдилар. Команда ўз тарихида ҳеч қачон бунчалик бўш ўйин кўрсатмаганиди.

Сўнгги учрашувда Ботуми динамочилари дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган. «МАСК» футболчилари ҳам «Гурия» сингари 61 очко тўплаб, олий лигага йўлланма олдилар. Энди кичик олтин медаллар эгаларини аниқлаш учун улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади. Бундан ташқари биринчи ўринни эгаллаган команда аъзолари СССР спорт мастерлари бўлишди. Чемпионатнинг сўнгги икки ўйинида биронта ҳам очко олмаган «Даугава» футболчилари учинчи ўрин билан қиёқландилар.

Чемпионат якунида «Пактакор», «Котайк», Ставрополнинг «Динамо» ҳамда Краснодарнинг «Кубань» командалари 40 тадан очко тўпладилар. Галабалари кўпроқ бўлган «Пактакор» 17-ўринни эгаллади. Қолган 3 коллективда очколар ҳам, галабалар ҳам бир хил эди. Тўплар нисбати бўйича «Котайк» ва «Динамо» бироз устунликка эришди. Краснодарнинг «Кубань», Хабаровск армия спорт клуби, Смоленскнинг «Искра», Клайпеданнинг «Атлантас» ҳамда Кишинёвнинг «Нистру» командалари биринчи лига билан ҳайрлашадилар. Келгуси мавсумда Куйбишевнинг «Крилья Советов», Ворошиловграднинг «Заря», Тю-

ФУТБОЛ БҲИЧА МАМЛАКАТ 49-ЧЕМПИОНАТИ БИРИНЧИ ЛИГАСИНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т/Н	О
«Гурия»	46	28	5	13	80—66	61
«МАСК»	46	26	9	11	83—35	61
«Даугава»	46	24	14	8	82—46	60
«Керпачи» АСК	46	22	10	14	69—52	54
«Помир»	46	21	13	12	76—48	54
«Локомотив»	46	21	11	14	83—48	53
«Ростсельмаш»	46	21	10	15	86—69	52
«Ротор»	46	22	7	17	69—56	51
«Колос»	46	20	11	15	84—45	51
«Факел»	46	20	8	18	56—44	48
«Динамо» (Ботуми)	46	20	8	18	50—59	48
«Металлург»	46	17	11	18	59—54	45
«Кузбасс»	46	16	13	17	63—61	44
«Шинник»	46	16	14	16	41—45	44
«СК (Ростов)»	46	16	11	19	54—51	43
«Спартак»	46	15	12	19	58—66	42
«Пактакор»	46	15	10	21	55—73	40
«Динамо» (Ставрополь)	46	14	15	17	66—58	40
«Котайк»	46	14	13	19	46—54	40
«Кубань»	46	14	14	18	41—48	40
«СК (Хабаровск)»	46	12	12	22	49—61	36
«Искра»	46	11	13	22	30—60	34
«Атлантас»	46	9	11	26	40—75	29
«Нистру»	46	6	9	31	31—101	21

тунликка эришди. Краснодарнинг «Кубань», Хабаровск армия спорт клуби, Смоленскнинг «Искра», Клайпеданнинг «Атлантас» ҳамда Кишинёвнинг «Нистру» командалари биринчи лига билан ҳайрлашадилар. Келгуси мавсумда Куйбишевнинг «Крилья Советов», Ворошиловграднинг «Заря», Тю-

А. ИМОНХУЖАЕВ, «Тошкент оқшом» футбол шахрловчиси.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/ХИ да Спартак. ҲАМЗА НОМИДАГИ ҲЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/ХИ да Асрга татғилни кун, 21/ХИ да Келинлар кўзолони.

МУХИМНИ НОМИДАГИ ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/ХИ да Паранжир сирлари, 21/ХИ да Ёшликда берган кўнгли.

КИНО

20 НОЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОРКЕСТР БИЛАН» — Ваган 16, 18, 20, 21:30; телефон 74-30-38.

«КЕЛИН-КУЕВЛАР» — Чойка (17, 19, 21:00; телефон 77-06-20), Қозоғистон (18, 20:00; телефон 35-24-92).

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — Қозоғистон (17, 19:00; телефон 35-24-92).

«ЛУИЗИАНА» — Санъат саройи (16, 18:30, 20:40; телефон 44-21-44, 44-21-34), ВЛКСМ 30 йиллиги (17, 20:00; телефон 33-44-52).

«КИРОЛ ҚИЗҚИЧСИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 18, 20, 21:30; телефон 78-47-25).

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚУШНИ АЕЛ» — Восток (16, 18, 21:30; телефон 91-14-61).

«ЁШЛИК-БЕЗОШЛИК» — Тинчлик (17, 19, 20:45; телефон 58-36-06).

«ЕРИБ УТИШ» — Москва (17, 19, 20:40).

«РАҚСА ТУШИШНИ УР-ГАН» — Искра (жуфт соатларда), телефон 39-14-59).

«АЛИБОБОВА ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИННИНГ САРГУЗАШЛАРИ» — Санъат саройи (17, 20:00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

21 НОЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «МАРКАЗИЙ КУЧАДАН ОРКЕСТР БИЛАН» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«КЕЛИН-КУЕВЛАР» — Чойка (17, 19, 20:45; телефон 77-06-20), Қозоғистон (12, 14, 16, 18, 20:00; телефон 35-24-92), Восток (12, 14, 16, 18, 20, 21:30; телефон 91-14-61), Тошкент Советининг 50 йиллиги (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21:30; телефон 78-47-25).

«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — Қозоғистон (13, 15, 17, 19:00; телефон 35-24-92).

«ЛУИЗИАНА» — Москва (11, 13:30, 16, 18, 20:40; телефон 33-05-01), Ватан (11, 13:30, 16, 18:30, 21:00; телефон 74-30-38).

«КИРОЛ ҚИЗҚИЧСИ» — Қозоғистон (11, 13, 15, 17, 19, 21:00; телефон 53-65-87).

«КОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚУШНИ АЕЛ» — Чойка (13, 15, 17, 19, 21:00; телефон 77-06-20).

«ШАКТИ» — Тинчлик (13, 16, 18:30, 21:00).

«РАҚСА ТУШИШНИ УР-ГАН» — Искра (жуфт соатларда), телефон 39-14-59).

«АЛИБОБОВА ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИННИНГ САРГУЗАШЛАРИ» — Санъат саройи (11:30, 14, 17, 20:00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ХОРИЖИЙ МАРКАЗ ЭМИС-САРИ» — Санъат саройи (11, 13:30, 16, 18:30, 20:40).

«ЧИЧЕРИ» — К. Ерматов номи (11, 14, 17, 20:00; телефон 24-22-66).

«ЛАЗЗАТЛИ КҮНЛАР» — СЕРГЕЛИ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БИРЛАШМАСИНИНГ 2-«ФЕРУЗА» МАГАЗИНИДА

22 ноябрда

Тошкентдаги «УРТОҚ», Янгийўлдаги «ЛАЗЗАТ» кондитер фабрикаларининг маҳсулотлари

САВДО-ҚУРГАЗМАСИ ҲАМДА ҲАМДА

Магазини соат 9 дан 21.00 гача ишлайди. Танафус соат 14 дан 15.00 гача.

АДРЕС: Тошкент шаҳри, 102-алоқа бўлими, «Спутник» массиви, 6-квартал, 39-уй (58, 75-автобусларнинг «Феруза» бекати).

СЕРГЕЛИ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БУЛИМИ (телефон 58-36-29).

«Союзторгреблама» Бутуниттифок бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Октябрь районидagi Гафур Ғулом номи 169-ўрта мактаб томонидан Жураев Абдуқадир номига берилган 672257 номерли йўқолган

8-синфини тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берор қилинади

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

АХОЛИНИ ИШГА ЖОНДАШТИРИШ БЮРОСИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

Фрезерчилар, токарлар, слесарлар, қонилловчилар, штамповкачилар, крапчилар, қувириллар, урнб чиқарувчилар, токар-револьверчилар, анодловчилар, электромонтерлар, келашликчи-йиғувчилар, ҳайдовчилар, турли касбдаги қурувчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙУЛЛАМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона;

Ленин район пункти — Шевченко кўчаси, 64-уй;

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;

Ҳамза район пункти — Хасанова кўчаси, 10-уй;

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;

Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;

С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси 270-уй;

Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;

Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;

Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕПЛОХОДИДА ҚОРА ДЕНГИЗ БУЛАБ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Саёҳат вақтида туристлар қаҳрамон шаҳарлар — Одесса, Севастополь, Новороссийскда бўлиб, шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар. Курорт-шаҳарлар — Сочи, Ялта, Сухуми, Ботуми, Поти, Феодосия, Евпаторияда тўхтаб, машҳур архитектура ёдгорликлари, музейлар, саройлар, шифохоналар ҳамда Крым ва Кавказ боғлари билан тақияшадилар.

Теплоходда Қора денгиз бўйлаб саёҳат қилиш ҳар қандай туристда мароқли таассурот қолдиради. Денгизнинг шифобахш ҳавоси. Қора денгизнинг доимо ям-шилди, ҳашманзара соҳиллари ва қор бостан баланд тоғ чўққилари туристлар йилиниг исталган фаслида яхши ҳордиқ чиқаришлари учун аjoyиб шарт-шароитлар яратди.

Қўлай каюталар, яхши ошхона, кутубхона, дироатхона ва музика салонлари, сайр қилинадиган палубалар, хизмат қилувчилар раҳмқўрлиги, барча-барчаси саёҳатчилар ихтиёрида. Денгиз сафариининг ўзинга ҳос жозибасини фақат саёҳатга чиққан вақтдагина ҳис этиш мумкин. Мазкур маршрут Одесса шаҳрида бошланиб, ўша ерда тугалланади.

САҒАТ МУДДАТИ — 25 ноябрдан 12 декабрда. ПУТЕВКА БАҲОСИ — каюталарнинг классига кўра — 400 сўмдан 600 сўмгача.

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БҲИЧА САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АЛАГИР (Нальчик), 28 ноябрдан 12 декабрда. Баҳоси — 228 сўм.

ЕРЕВАН — ЦАХНАДЗОР, 30 ноябрдан 15 декабрда. Баҳоси — 250 сўм.

СОЧИ (ЛАЗАРЕВСКИЙ, дам олиш уйи), 7 декабрдан 6 январгача Баҳоси — 261 сўм.

СВЕТЛОГОРСК (пансионат), КАЛИНИНГРАД ОБЛАСТИ, 29 ноябрдан 8 декабрда. Баҳоси — 261 сўм.

МОСКВА (ИЗМАЙЛОВО), 6 декабрдан 15 декабрда. Баҳоси — 240 сўм.

ИВАНОВО — МОСКВА, 2 декабрдан 8 декабрда. Баҳоси — 241 сўм.

ЕВПАТОРИЯ, 6 декабрдан 15 декабрда. Баҳоси — 282 сўм.

СУЗДАЛЬ — ИВАНОВО, 8 декабрдан 21 декабрда. Баҳоси — 332 сўм.

ТРАКАН — УТЯНУ — БИРШТОНАС, 7 декабрдан 21 декабрда. Баҳоси — 287 сўм.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕПЛОХОДИДА ҚОРА ДЕНГИЗ БУЛАБ, 25 ноябрдан 12 декабрда. Баҳоси — 790, 556, 409 сўм. (каюталарнинг классига кўра).

ЕССЕНТУКИ, 16 декабрдан 4 январгача. Баҳоси — 240 сўм.

РЕЗЕНО-ЛУДЗА, 24 ноябрдан 30 ноябрда. Баҳоси — 187 сўм.

Самолётда бориш ва қайтиш, оқватланиш, яшаш, экскурсия хизмати кўрсатиш ҳаражатлари путёвка баҳосига қиради.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700078, Тошкент шаҳри, Намоишлар хибони, 5-уй. Телефон: 39-13-12.

УҚИШГА

МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар Хунар-техника таълими бошқармасининг

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 56-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қувидаги ихтисосликлар бўйича

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

яш йигирувчилар, тикувчилар, қалава, ип нишитувчилар, тикув ва йигирув машиналари бўйича мастер ёрдончилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 8-10-синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар, Совет Армияси сафида хизмат муддатини ўтаган ёшлар қабул қилинади.

Ўқишга 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал оғдат ва иш кийими билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва қорхона қўшимча 40 сўм тўлайди.

Областдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртиларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида пулли автомобиль ҳайдаш курслари мавжуд.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўғараклар ишлайди.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАН ДА Н КЕНИН ВОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 донга 3х4 см ҳажмидаги фотосурат, ариза, таржиман ҳоли.

ҲУҲЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлик массиви, 5-«б» (37), 45-автобуслар, 26-трамвай; 11, 30-маршрутлик таксининг «Қўйлик-5-б» бекати).

Справкалар олиш учун телефон 55-75-15.

СИЗГА МАНЗУР ЛИБОСЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ «ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИДА 20 НОЯБР СОАТ 18.00 ДА ҲАММАНИНГ КИЗИҚИШЛИК МАВСУМИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЛИБОСЛАРИ МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШИДА КўРСАТИЛАДИГАН МОДЕЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР СИЗГА МАНЗУР БУЛАДИ.



Бу либослар Республика кийимлар моделлари уйи ва республика трикотаж буюмлари модалари уйи мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Намуналар орасида — кўйлақлар, пальто-кўйлақлар, костюмлар, жемперлар бор. Улар жозибали, безакли тикилган.

«ПЕРСПЕКТИВА» МАГАЗИНИ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 3-а-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 45-53-60).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган 4 ОЙЛИК

контролёр-кассирларни тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК

КУРСЛАРГА

Қабул Эълон қилади

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бир вақтинчи ўнда ўқувчилар кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТУГАТГАНЛАР ИРНИК МАГАЗИНЛАРГА БУЛЛАНА БИЛАН ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ҲАМДА УЛАРГА САВДО ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ БУЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЗОН БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайлар, 2, 3, 22, 80, 161, 32-автобусларнинг «Госпиталь» бекати).